



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШНИНГ АНИҚ МЕХАНИЗМЛАРИ

Турдимуратов Мақсуд Музаффарович -
Жиззах политехника институти
Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси
катта ўқитувчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a35)

Аннотация. Мазкур мақолада аҳоли даромадларини оширишнинг ўрнини баҳолаш, камбағалликни қисқартиришда аҳоли даромадларини ошириш механизмини такомиллаштириш, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш масалаларини сифатли ҳал қилиш имконини берувчи жиҳатлар ёритилган. Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиёти, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари меъриий асосларини ишлаб чиқиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: даромад, камбағалликни қисқартириш, қонун ва қарорлар, хориж тажрибаси, бошқариш органлари, тадбиркорлик, ишбилармонлик, статистика, самарадорлик, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, истеъмол савати, меҳнат бозори.

КОНКРЕТНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОХОДОВ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

Турдимуратов Мақсуд Музаффарович -
Джизакский политехнический институт
Старший преподаватель кафедры
“Экономики и менеджмента”

Аннотация. В данной статье описывается роль увеличения доходов населения, совершенствования механизма повышения доходов населения, снижение бедности, повышению предпринимательской активности населения и улучшении бизнес-среды. Эффективная координация деятельности органов государственного управления, неправительственных организаций, предложений и рекомендаций по разработке критериев определения уровня бедности и методов оценки, нормативной базы минимальных стандартов социальной защиты и сокращения бедности.

Ключевые слова: доходы, сокращение бедности, законы и постановления, зарубежный опыт, органы управления, предпринимательство, бизнес, статистика, эффективность, экономический рост, потребительская корзина, рынок труда.

CLEAR MECHANISMS OF INCREASING INCOME, REDUCING POORNESS

Turdimuratov Maqsud Muzaffarovich -
Djizak Polytechnic Institute
Senior lecturer of the Department of Economics
and management

Annotation. This article describes the role of increasing the income of the population, improving the mechanism of increasing incomes in poverty reduction, increasing the entrepreneurial activity of the population and improving the business environment. Effective coordination of the activities of public administration bodies, non-governmental organizations, proposals and recommendations on the development of criteria for determining the level of poverty and assessment methods, the normative framework of minimum standards of social security and poverty reduction.

Key words: income, poverty reduction, laws and regulations, foreign experience, governing bodies, entrepreneurship, business, statistics, efficiency, economic growth, consumer basket, labor market.

Кириш. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган даврда тармоқлар ва соҳаларда ислохотларнинг натижадорлиги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишида ўз аксини топади. Иқтисодий ўсишга эришиш мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий ти-

зимларда намоён бўладиган камбағаллик муаммосининг барҳам топишига олиб келади.

“Камбағаллик ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшаши, меҳнат қобилиятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатнинг тавсифидир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланади ва мазкур жаmiятда турмуш даражасининг

умумий стандартига боғлиқ бўлади. У оилани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки шиfoxонада даволаниш, ўз ерида истеъмом маҳсулотларини етиштириш ёки яшаш имконини берадиган даромад топадиган ишга эга бўлиш, шунингдек, кредитларни олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади” [1].

Мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта қайд этилиб, таъкидлаганидек: “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар кун қийнайди. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салохиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир” [2].

“Ўзбекистон Республикаси учун қашшоқлик чизиғи – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмом саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечирининг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган” [3]. Бироқ истеъмом саватчаси ёш, жинс, мавсумийлик нуқтаи назардан фарқланиши мумкин.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг назарий ва амалий муаммолари хорижий ҳамда МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан кенг ўрганилган ва уларнинг ишларида илмий-услубий ҳамда амалий қоидалар асослаб берилган. Жумладан, хорижлик олимлар [4] А.Смит, А.Пигу, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, С.Фишер, М.Спенс ва бошқалар, иқтисодий ўсишнинг таркибий жиҳатлари самарадорлиги-

ни оширишни тадқиқ этишда илмий ёндашувлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари [5] А.Аганбеян, Е.Бухвальд, А.Илларионов, Е.Балацкий, С.Губанов ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли турмуш сифатини ошириш омиллари ва унинг умумназарий жиҳатлари А.Бекмуродов, Н.Тўхлиев, Н.Махмудов, Х.Абулқосимов, Б.Беркинов, А.Вахабов, Т.Шодиев, Ш.Шодмонов, У.Мадраҳимов[6] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Янги Ўзбекистонни ҳалол меҳнат қилиб муваффақиятга эришишни орзу қиладиган, тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интиладиган, Ватани ва халқига сидқидилдан хизмат қилишни истайдиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар мамлакатига айлантиришимиз шарт ва зарур. Биз тақдим этаётган иқтисодий стратегияда тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади. Шунинг учун камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак” деб таъкидлаб, бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб берди [7].

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “Ҳар қандай мамлакат мавжуд камбағалликка қарши курашишда фақат уни қисқартиришга урғу бермасдан, унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур илмий ўрганган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриши керак. Бу эса аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишдаги мавжуд сабабларни аниқлашни талаб қиладди. Бунинг учун камбағаллик таъсирида кун кечираётган аҳоли тўғрисида маълумотлар талаб этилади” [8].

Олимларнинг кўрсатишича, “Камбағаллик юртимизда кўп йиллар “ёпиқ мавзу” бўлиб, авваллари бу категориянинг ўрнига юмшатиш қабилида “кам таъминланганлик” тушунчаси билан алмаштириб келинган эди. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ демократик сиёсат туфайли мазкур муаммонинг мавжудлиги, унинг ечими бўйича чуқур таҳлилларни амалга ошириш, уни пасайтириш ва келажакда бартараф этиш ҳақида юксак минбарларда ҳам очиқ-ойдин гапирилмоқда” [9].

Бундан ташқари профессор Н.Жумаев таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси учун қашшоқлик чизиғи – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оила-

ни камбағал деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечиришнинг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган. Бироқ истеъмол саватчаси ёш, жинс, мавсумийлик нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин [10].

Модомики, давлат оқилона барқарорлаштириш сиёсатини юритаётган экан, мамлакатимизда узоқ муддатли истиқболда юқори барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун товар ва хизматларни самарали асосда ишлаб чиқариш, яъни иқтисодиёт тузилмасини ўзгартиришни кўзда тутувчи таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир [11].

В.Н.Салин: “Аҳоли турмуш даражаси аҳолининг истеъмоли қондирилишининг моддий имкониятларини характерлайди. У ижтимоий ҳаётнинг турли ижтимоий жиҳатларини: меҳнат шароити, аҳоли даромадлари ва харажатлари даражаси ва тузилмаси, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва шу кабиларнинг ривожланиш даражасини ўз ичига олади. Ижтимоий ҳаётнинг бу ижтимоий томонларини миқдорий тавсифлаш ижтимоий-иқтисодий индикаторлар ёрдамида амалга оширилади ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожланишини статистик ўрганиш предмети ҳисобланади”, – деб таърифлайди [20].

В.И.Рутгайзер фикрича, аҳолининг пул даромадларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан уларнинг моддий неъматлар ва хизматлардан фойдаланиш даражаси, пул жамғармалари кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини назарда тутуди ва буларга қиладиган харажатларини ҳам статистик ўрганишни талаб этади. Бу таҳлилни мукамаллаштириш вазифаси аҳоли ёки оиланинг турли мақсадлари учун қилган харажатларини асосли равишда илмий ўрганишни талаб этади [21].

Ё.Абдуллаев таъкидлаганидек, аҳоли даромадлари оила аъзолари томонидан муайян даврда олинган пул ва натурал кўринишдаги маблағлар қиймати йиғиндисини ифодалайди. Ҳар доим талабда эҳтиёжлар даражаси ва таркиби ортиб, унинг даромадлари миқдорига бевоқифа боғлиқ равишда таъсир кўрсатади [22].

Қ.Х.Абдурахмонов аҳолининг турмуш даражасига қуйидагича таъриф берган: “Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади” [23].

Кўплаб иқтисодий адабиётларда “аҳоли турмуш даражаси” тушунчасига хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан турли мазмундаги таърифлар ишлаб чиқилган. Маса-

лан: М.Г.Назаров таҳрири асосида чоп этилган “Ижтимоий-иқтисодий статистика курси” китобида “Аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг ҳаёт фаолиятининг, энг аввало, истеъмол соҳасидаги реал ижтимоий-иқтисодий шароитлари йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади” деб таърифланади [24].

И.И.Елисеева фикрича, Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг пул даромадлари даражаси ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги сезиларли табақаланишнинг мавжудлиги билан баҳоланади. Бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ. Улардан бири стратегик аҳамиятга молик табиий хомашё ресурслари конларининг нотекис жойлашганлигидир: одатда, ҳар бир бундай кон яқинида тегишли қайта ишлаш заводи бунёд этилади [25].

Н.Зокирова фикрича, аҳоли пул даромадлари ва истеъмол нархлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида истеъмол нархлари ўсишидан аҳоли даромадлари эластиклик коэффициенти ҳисоблаш мумкин. Бунда, фикримизча, иккала эластиклик хусусида гапириш мумкин: бир томондан, даромадларнинг ўсиши истеъмол нархларининг ошиши, иш ҳақи, нафақа ва тушумларнинг ошишига олиб келади [26].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш механизмини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётда барқарор ўсиш сифатини ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва ҳудудларда турмуш даражасини яхшилаш муаммолари чуқур тадқиқ этилмаган. Бу эса ўз навбатида, ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли турмуш сифатини яхшилашни илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнда тадбиркорлик фаолияти молиявий муносабатларининг ташкилий-услубий асосларини ўрганишга илмий-тадқиқотнинг танланма адабиётлар таҳлили, диалектик ва тизимли ёндашув, социологик тадқиқот, қиёсий ва солиштира таҳлил, таққослаш, гуруҳлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм). Иқтисодий ислохотлар шароитида даромадларнинг бозор механизмлари орқали шаклланиши мулкдорнинг ўз мулкани асраб-авайлаш орқали ундан унумли фойдаланишга йўналтиради. Шу ўринда мамлакатимизда мол-мулкни ижарага бериш орқали ҳам даромад олишнинг имкониятлари кенгайиб бораётганлигини эътироф этиш лозим. Айниқса, кейинги беш йилда даромад олиш учун ҳар қандай чек-

ловлар, сунъий тўсиқларни бартараф этиш (1-жадвал).
чора-тадбирлари ижобий самара бермоқда

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг умумий даромадларининг ўзгариш салмоғи [12]

Кўрсаткичлар	2015 йил	2018 йил	2019 йил
Аҳолининг умумий даромадлари, млрд. сўм	185 832,4	282 762,5	342 613,3
Ўтган йилга нисбатан реал ўсиши, %	102,2	109,0	105,8
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	4 565,2	8 580,0	10 202,8
Ўтган йилга нисбатан реал ўсиши, %	101,0	107,1	103,8

Олимларнинг фикрича [13], “Республика-мизда бозор муносабатлари асосида иқтисодиётнинг ривожланишига ўтилиши даромадлар тенгсизлигини янада кучайтирди. Давлат даромадларни бошқариш ва тартибга солишда шунга эътибор бериши зарурки, хусусийлаштириш жараёнида содир бўлаётган мулкнинг қайта тақсимланиши аҳолининг маълум гуруҳлари учун мулкдан даромад чиқариш имкониятларини вужудга келтирди. Айниқса, сармоянинг дастлабки тўпланиши жараёнида кўп сонли суиистеъмолликлар содир бўлади ҳамда айрим табақалар қўлида осонлик билан даромад тўпланишига имкониятлар вужудга келади”.

Аҳоли даромадлари фарқланишига бир қатор иқтисодий-ижтимоий омиллар ўз таъсирини кўрсатади:

- кишиларнинг қобилиятидаги фарқланиш;
- маълумотлилиги, эгаллаган билими;

- мулкка эгалик ҳуқуқининг кўпайиб бориши;
- меҳнат интенсивлиги ва самарадорлик;
- иш билан бандлилик;
- оилалар сони ва унда меҳнатга лаёқатлилар сони;
- кишилар онгида боқимандаликка муносабат.

Қашшоқликнинг туби камбағал оилаларнинг ҳаёт кечириш учун энг кам даромаддан ҳам пастга тушиб кетиш даражасидир. Фақирликнинг чегараси – камбағаллик чегарасининг 50 %дан, яъни истеъмол минимумидан ошмайдиган жонбоши даромади [14]. Шу ўринда тадқиқот давомида аҳоли даромадларини бошқариш, унинг шакллари ҳамда усулларининг ўзига хос тарзда шаклланишини ҳисобга олиб, ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадлар соҳасида мувозанатнинг фарқланишини қуйидаги жадвалда таҳлил қилдик (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадлар ўзгариши [15] (минг сўм)

Т/р	Ҳудудлар номи	2014 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	3 577,1	8 580,0	10 202,8
1.1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 538,0	6 451,8	7 728,7
1.2.	Андижон вилояти	3 291,0	8 174,5	9 640,4
1.3.	Бухоро вилояти	4 310,0	10 848,4	12 672,2
1.4.	Жиззах вилояти	2 573,6	7 955,5	9 345,5
1.5.	Қашқадарё вилояти	2 939,4	7 384,8	8 828,9
1.6.	Навоий вилояти	5 785,5	13 375,6	16 403,3
1.7.	Наманган вилояти	2 736,4	6 582,1	8 037,1
1.8.	Самарқанд вилояти	3 123,4	7 678,2	9 074,9
1.9.	Сурхондарё вилояти	2 941,3	7 244,2	8 631,1
1.10.	Сирдарё вилояти	3 687,5	7 706,0	9 163,4
1.11.	Тошкент вилояти	3 928,4	8 928,4	10 455,6
1.12.	Фарғона вилояти	2 970,1	9 094,4	10 802,9
1.13.	Хоразм вилояти	7 305,1	15 927,1	19 351,6

Юқорида келтирилган жадвалдаги маълумотларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар бўйича аҳоли даромадлари кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда аҳоли пул даромадларининг ўзгариши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Даромадлар тизимида иш ҳақи асосий ҳисобланади, чунки аҳоли даромадларининг катта қисми

унинг улушига тўғри келади. Иш ҳақи ишчи кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳақи бўлиб, иш ҳақи ишчи кучи баҳосининг пулдаги ифодасидир. Меҳнат бозорида талаб таклифдан юқори бўлса, иш ҳақи ишчи кучининг қийматидан юқори бўлади. Агар меҳнат бозорида таклиф талабдан юқори бўлса, ишчи кучининг баҳоси унинг қийматидан паст бўлади. Бироқ давлат иш ҳақининг ишчи кучи қийматидан паст бўлишига йўл қўймаслик учун минимал иш ҳақини белгилайди [16].

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг шаклланишига кўра таркиби таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги беш йилда меҳнат фаолиятдан даромад 69,1 %, бирламчи даромадлар 74,7 %, ўз-ўзини банд қилишдан даромад 42,0 %ни ташкил қилиб, мазкур кўрсаткичлар – меҳнат муносабатлари соҳасидаги олиб борилаётган ўзгаришлар натижасида, деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Худудларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш механизмини такомиллаштириш йўллари аниқлаш учун аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ механизмлари воситалари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларига асосланиб таъкидлаш лозимки, камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланади ва мазкур жамиятда турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади.

Мазкур вазибаларни ҳал этишда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашга таъсир кўрсатувчи миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайиши, ресурслардан унумли фойдаланишга таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш каби йўналишларда тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиёти ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва камбағалликни қисқар-

тириш бўйича давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни ифодалайди. Механизм камбағаллик ва даромадларнинг табақалашувини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлайди ва уларни амалга оширишнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш усуллари мажмуасидан ташкил топади.

Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган аҳоли даромадларини ошириш сиёсати аҳолининг турмуш даражасини ошириш, муносиб ҳаётни таъминлашга қаратилиши билан биргаликда аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқланиш даражасини ҳам камайтиришга асос бўлади. Аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш турли ижтимоий қатламлар ўртасида тенг тақсимлаш орқали ижтимоий соҳалар ва иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг фарқланиш даражасини камайтиришни таъминлайди.

Бизнингча, худудларда аҳоли турмуш сифатини яхшилаш механизмининг замонавий шакллари такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Кишилар турмуш тарзи бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самардорлигининг кўлами, фан-техника тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, буларнинг барчаси, албатта, ҳукумат томонидан қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар натижасига боғлиқ.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш манбалари, ижтимоий дастурларнинг амал қилиши учун ресурс ҳосил қилиш омили ҳисобланувчи иқтисодий ўсиш билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик шаклланади. Мақолада турмуш даражаси, ҳаёт фаолияти, моддий шарт-шароитига таъсир кўрсатувчи омиллар, ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда ҳал этилиши муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи йўналишлар илгари сурилди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <https://www.lex.uz>.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси, 17.02.2021 й., 09/21/77/0122-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.05.2021 й., 09/21/276/0416-сон, 09.10.2021 й., 09/21/631/0950-сон, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, 19 (7521)-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 20 август кунги тадбиркорлар билан мулоқотидаги маърузасидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4550>
6. Абдурахмонов Қ.Х. Камбағалликни қисқартиришда унумли, маҳсулдор ва муносиб меҳнатни рағбатлантириш йўналишлари. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва

ишсизлик даражасини камайтириш масалалари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2021. 14-б.

7. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnali. 1/2020 (00045-сон).

8. Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>

9. Ж.Қ. Қурбонов. Ўзбекистонда юқори ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда таркибий ўзгаришлар сиёсатининг роли. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журналі. 2-сон, март-апрель, 2016 йил. 10-б. www.iqtisodiyot.uz

10. Poverty Lines – Martin Ravallion, in *The New Palgrave Dictionary of Economics*, 2nd Edition, London: Palgrave Macmillan.

11. Халқаро молия фонди. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn/1504.pdf>. маълумотлари.

12. <http://aftershock.news>, www.export.by/act/doc@mode, <http://aftershock.news>.

13. Фадейкина Н.В., Воронов В.А. Финансовый контроль в сфере государственного сектора экономики. 2002. С. 11.

14. Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002. 9-б.

15. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Муротқобилов А.А., Раҳимов Ҳ.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари. Монография. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2013. – 60 б.

16. Смит А., Фридман Д.Ж. Петти В., Рикардо Д. Сочинения. // Классика экономической мысли. – М.: ЭКСМО Пресс, 2000. – 164 с.

17. Аганбегян А. Социально-экономическое развитие России. 3-е изд. – М.: Дело, 2005. – 272 с. Бухвальд Е.М. План Правительства: от восстановления к реальному подъему экономики.

18. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. – Т., 2005. – 310 б., Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари. // Иқтисод ва молия. – Т., 2016 йил 3-сон. 2-8-б.

19. Салин В.Н. Статистика уровня жизни населения (Бакалавриат, Магистратура). Учебное пособие. – 189 стр. 2019 г.

20. Рутгайзер В.А. Оценка стоимости бизнеса. – 448 стр. 2007 г.

21. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998. – 382 б.

22. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Меҳнат, 2016. – 610 б.

23. Nazarov M.G. Курс социально-экономической статистики. – 771 стр, 2000 г.

24. Елесева И.И. и др. Статистика. Учебник. – М.: Проспект, 2017. – 448 с.

25. Zokirova N. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Фан ва технология, 2009.